# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

“РЎЙХАТГА ОЛИНДИ”

№ ВМ – 343 – 5А340801 – 2.01

“1” ИЮЛЬ 2003 й.

“ТАСДИҚЛАНДИ”
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

“8” ИЮЛЬ 2003 й.

# СОЛИҚ ОРГАНЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

**фанидан**

# ДАСТУР

**Олий таълимнинг 340000 –“Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги 5А340801 – “Солиқлари ва солиққа тортиш” магистратура мутахассислиги учун**

**Ташкент - 2003**

**Тузувчи:** и.ф.н., Б.С. Умаров
**Тақризчилар:** и.ф.н. А.Камолов
и.ф.н., доц. Ф.Бозоров

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Олий таълимнинг давлат стандартларига асосан "Солиқлар ва солиққа тортиш" мутахассислиги бўйича "Солиқ органларининг ташкилий асослари" фани мутахассислик фанларининг бир қисми сифатида ўқитилади.

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимида солиқ органларининг тутган ўрни, зарурияти, аҳамияти ва моҳияти очиб берилади. Мазкур дастурда солиқ органларининг ташкилий ва таркибий тузилмаси, солиқ органларининг роли, ҳуқуқий асослари, ҳуқуқ ва вазифалари, шаклланиш босқичлари ҳамда қонунчилигидаги охирги қўшимча ва ўзгаришлар ўрганиб чиқилади.

На основе Национальной программы по подготовке кадров Республики Узбекистан и государственного стандарта Высшего образования по направлению "Налоги и налогообложение" дисциплина "Налоговое администрирование" является предметом по специальности.

В процессе обучения данной дисциплине раскрываются темы и роль налогового администрирования в системе налогов Республики Узбекистан, а также необходимость, его значение и сущность в целом. В настоящей программе в основном изучаются такие темы как, структурное и общее построение налоговых органов, их роль в системе налогов, правовые основы, права и обязанности, этапы формирования, а также последующие изменения и дополнения в законодательстве.

On basis the National program on a professional training Republic of Uzbekistan and state standard of Higher education on a direction "Taxes and taxation" discipline "Tax administration" is a subject on a specialty.

Process of teaching this subject opens level, what role of tax administration in tax system of taxes of Republic of Uzbekistan and also value and essence as a whole are opened. In the present program themes as, a structural and general condition of tax bodies, a role of tax bodies in tax system, legal bases, rights and a duty, stages of formation and also change and addition and other are studied.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

# 1. СЎЗ БОШИ

## Ўқитишнинг мақсади ва вазифалари

"Солиқ органларининг ташкилий асослари" фанини ўқитишдан мақсад таълим олаетган магистрларга Ўзбекистон Республикаси солиқ органларининг таркибий тузилиши ҳамда ҳуқуқ ва вазифалари билан таништириб, уларни иқтисодий билимларини ошириш ҳамда чуқурлаштириш билан бир қаторда олаетган билимларини Республикамизнинг иқтисодиёти амалиётида қўллай олишини ўргатишдир. Фаннинг олдига қўйилган вазифалар асосан талабаларни солиқ идораларини амалий фаолияти билан яқиндан таништириб, уларнинг ҳуқуқ ва вазифалари, фаолиятидаги қўшимча ҳамда ўзгаришлар билан таништиришдан иборат.

## Фан бўйича магистрларнинг билимига, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

"Солиқ органларининг ташкилий асослари" фани бўйича ҳар бир талаба билимини мустаҳкамлаш учун солиқ идораларининг ҳуқуқий асослари (йўриқномалар, кўрсатмалар, тушунтириш хатлари ҳамда қўшимча ва ўзгаришлар) билан комплекс танишиб, ўрганиб боришлари зарур.

## Ўқув режасидаги бошқа фанлар билан алоқаси

"Солиқ органларининг ташкилий асослари" фани қатор фанлар билан узвий боғланган. Дастлаб бошланғич билим олиш мақсадида "Солиқ назарияси", "Молия назарияси", "Иқтисодий назария" фанларини ўрганиш, шунингдек "Солиқ ва солиққа тортиш", "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит", "Хорижий мамлакатлар солиқ тизими" фанларини ҳам пухта ўрганиш лозим. Амалиётда ҳаракат қилиш доирасига қараб бу фан "Иқтисодий таҳлил", "Информацион технологиялар" ҳамда бошқа фанлар билан ҳам узвий боғланган.

## Фанни ўқитишда янги технологиялар

Фанни чуқуррок ўрганиш мақсадида солиқ органларининг ташкилий асослари фанини ҳар бир мавзуси бўйича амалдаги қонунчилик томонидан ишлаб чиқилган ҳуқуқий ҳужжатлардаги қўшимча ва ўзгаришлар машғулотларда тўлиқ берилади. Шунингдек, мавзулар бўйича таҳлилий материаллар тўпланган ва компьютердан кенг фойдаланилади.

## Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

"Солиқ органларининг ташкилий асослари" фани талабалар назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлагандан сўнг тегишли мутахассислик фани сифатида ташкил этилади. Дастурда қуйидаги масалалар аниқ еритиб берилган:фаннинг моҳияти ва зарурлигини аниқ очиб бериш учун маъруза ва амалий машғулотларнинг тузилиши, умумий ҳажмига алоҳида эътибор бериш:

- фан бўйича ажратилган маслаҳат соатлари орқали амалиетда юзага келаетган муаммолар, қўшимча ва ўзгаришларни тушунтириш ҳамда талабаларнинг билим даражасини янада мустаҳкамлашнинг кўзда тутилиши;

- ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб, талабаларнинг амалдаги ҳолат билан алоқасини кенгайтириш ва мустақил ўрганиш учун мавзулар бўйича қўшимча топшириқлар берилиши.

### Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

Олий касбий таълимнинг давлат стандартларига мувофиқ мазкур курсга 40 соат ажратилган. Унинг 20 соати маъруза, 20 соати амалий машғулот.

## 2. ФАН ДАСТУРИ

### Фаннинг мазмуни

"Солиқ органларининг ташкилий асослари" фанини ўрганиш учун 2 қисмга- маъруза ва амалий машғулотларга бўламиз. Маъруза машғулотларида асосан ўрганилаетган мавзу бўйича ўқитувчи томонидан бериладиган маълумотларга асосланади. Шунингдек, амалий машғулотлар маърузалар юзасидан эркин фикрларга асосланади. Бундан ташқари мавзу бўйича қўшимча адабиётлар ва тегишли йўриқномалар билан таништирилади.

### Маъруза машғулотлари мавзулари

### Солиқ хизмати идораларида солиқ юзасидан ишларни ташкил қилиш. Ўзбекистон Республикаси солиқ хизмати идораларини ташкилий тузилмалари

*Солиқ хизмати идораларининг функциялари ва вазифалари.* Солиқ хизмати идораларининг юридик шахслардан ундириладиган солиқларни ҳисоблаш ва тўлашлари устидан назорати. Солиқ хизмати идораларининг жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни ҳисоблаш ва тўлашлари устидан назорати. Солиқ муносабатларида юзага келадиган муаммоларни ҳал этилишини ташкиллаштириш.

### Солиқ органларининг ташкилий асослари солиқ тизимини зарурий элементи сифатида

*Солиқ тизимини ривожланиш жараёнида солиқ хизмати идораларининг тутган ўрни ва аҳамияти.* Икки томон ўртасида солиқ муносабатларини шакллантиришда солиқ хизмати идораларининг функциялари ва вазифалари. Солиқ хизмати органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва уларни янада такомиллаштириш.

### Ўзбекистонда солиқ органларининг шаклланиш босқичлари ва ривожланиш тарихи

*Дастлаб солиқ хизмати идораларининг ташкил топиши ва уларнинг ҳуқуқий асослари.* Солиқ хизмати идораларининг шаклланиш босқичлари ҳамда солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш. Солиқ хизмати идораларининг тарихий ривожланиши ва солиқ назорати шакллари.

### Солиқ тизимини ривожлантиришда солиқ органларининг ролини кучайтириш масалалари

*Солиқ хизмати органларини давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги мажбурият ва вазифалари.* Солиқ хизмати органларининг томонидан амалга ошириладиган текширувлар тартиби ва уларнинг турлари. Солиқ қонунчилигини бузганлик учун солиқ идоралари томонидан қўлланиладиган жазолар. Солиқ хизмати идораларини ўз хизмат ва мажбуриятларини кучайтириш масалалари.

**Солиқ идоралари ҳуқуқий асосларини ташкил топиши ва қушимча ва ўзгаришлар ҳамда уларни такомиллаштириш**

*Солиқ хизмати органларининг таркибий тузилиши тўғрисидаги ҳуқуқий асослар ҳамда улардаги қўшимча ва ўзгаришлар.* Солиқ хизмати органларининг таркибий тузилиши элементлари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими таснифи. Солиқ тизимини оптималлаштириш учун қўйилган мажбуриятлар. Солиқ идоралари ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари.

**Солиқ идораларини ҳуқуқ ва вазифаларини ҳамда ташкилий тузилмасини такомиллаштириш**

*Солиқ хизмати органларининг таркибий тузилиши ва улардаги ўзгаришлар.* Солиқ хизмати органларининг ҳуқуқ ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизими шаклланиш босқичлари. Амалдаги солиқ сиесатининг асосий концептуал йўналишлари. Солиқ органларининг ҳуқуқий асослари (қўшимча ва ўзгаришлар).

Солиқ органлари ҳуқуқ ва вазифаларини умумий тавсифи ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда такомиллаштириш масалалари.

## 3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

Асосий эътибор амалий машғулотларнинг юқори савияда ташкил этилишига, талабаларнинг ҳар бир мавзу бўйича пухта тайергарликларига, мустақил ўрганиш учун тавсия этиладиган муаммоли мавзуларга қаратилиши керак.

**Солиқ хизмати идораларида солиқ юзасидан ишларни ташкил қилиш. Ўзбекистон Республикаси солиқ хизмати идораларини ташкилий тузилмалари ва такомиллаштириш масалалари**

Ўзбекистон Республикаси солиқ хизмати идораларини ташкилий тузилмалари*. Давлат солиқ хизмати идораларининг ташкилий тузилмалари. Давлат солиқ хизмати идоралари ташкилий бўғинларининг ўзаро алоқаси. Солиқ хизмати идораларининг функциялари ва вазифалари. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги қонунига асосан солиқ хизмати идораларининг вазифалари ва мажбуриятлари.

**Солиқ органларининг ташкилий асослари солиқ тизимини зарурий элементи сифатида**

Давлат солиқ хизмати идоралари томонидан юридик шахслар тўлайдиган солиқларнинг тўғри ҳисобланиши, ҳисоб-китобларни белгиланган муддатларда тақдим этилиши устидан назорати. Юридик шахсларнинг солиқ қонунчилигини бузганлиги учун жавобгарлиги*.

**Ўзбекистонда солиқ органларининг шаклланиш босқичлари ва ривожланиш тарихи**

Давлат солиқ хизмати идоралари томонидан жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари ҳақидаги декларацияни тўлдиришни текшириш*. Маҳаллий бюджетга солиқларни ўз вақтида тушишини назорати.

**Солиқ идораларини ҳуқуқ ва вазифаларини ҳамда ташкилий тузилмасини такомиллаштириш**

Солиқ субъектларининг солиқ борасидаги мажбуриятлари ва жавобгарликлари*. Солиқлар ва йиғимларни ундириш тартиби. Солиқ қонунчилигининг бузилиши ҳолларида қўлланиладиган молиявий ва маъмурий чоралар.

## 4. ИНФОРМАЦИОН ТЕХНИК ВОСИТАЛАР

Бу фанни ўқитишда замонавий техник воситалардан, компьютер ва қуйидаги информацион техник воситалардан фойдаланиш белгиланган:

1. Компьютер;
2. Аудио ва видео жиҳозлар;
3. Диапроектор;
4. Кодоскоп;
5. Графопроектор;
6. Статистик маълумотлар;
7. Калькулятор ва бошқа аппаратуралар.

## 5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Фан бўйича талабларнинг ўзлаштиришини баҳолаш семестр (ўқув йили) давомида мунтазам равишда олиб борилади ва қуйидаги турлар орқали амалга оширилади:

- жорий баҳолаш (ЖБ);
- оралиқ баҳолаш (ОБ);
- якуний баҳолаш (ЯБ).

ЖБ ва ОБ баллар миқдори (ўқув режасида фанга семестр (ўқув йили) учун ажратилган соатнинг) 70%, якуний баҳолаш эса 30% миқдорда белгиланади. Фан бўйича дастур тўла ўрганилгандан кейин ЯБ ёзма иш усулида (ўқув режасига кўра) ўтказилади.

Бу фанни ўқитиш соатлари 1-курс магистрантлари учун 20 соат маъруза, 20 соат амалий машғулот, 20 соат мустақил таълим, 2-курс магистрантлари учун 40 соат маъруза, 40 соат амалий машғулот, 40 соат мустақил таълим қилиб белгиланган.

Таянч ибораларга асосланган ёзма ишни ўтказиш тартиби "Рейтинг тузишнинг якуний баҳолаш босқичида" "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича Намунавий низоми билан белгиланади. Семестр (ўқув йили) давомида ўқитилган фан бўйича 55 ва ундан юқори фоизни тўплаган талаба қониқарли ўқитаётган деб ҳисобланади. Фан бўйича максимал баллнинг 55% идан кам балл тўплаган талаба қониқарсиз ўқиётган ( академик қарздор) деб ҳисобланади.

Демак, оралиқ баҳолашда 1-курслар учун энг юқори балл 14,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 7,7 баллдан - 14,0 баллгача тўплаши мумкин. Жорий баҳолашда ҳам энг юқори балл 14,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 7,7 баллдан - 14,0 баллгача тўплаши мумкин. Якуний баҳолашда эса юқори балл 12,0ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55%идан - 100%игача оралиғида яъни, 6,6 баллдан - 12,0 баллгача тўплаши мумкин.

Семестр давомида фан бўйича тўплаган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади:

- **86 - 100 - "аъло";**
- **71 - 85 - "яхши";**
- **55 - 70 - "қониқарли".**

## 6. АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар


1. Ўзбекистон Ресубликасининг Конституцияси,- Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Ўзбекистон Республикаси "Молиявий қонунлар". -Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни. -Т.: Ўзбекистон 1992.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуни. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Қонуни. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонуни. -Т.: Ўзбекистон 1997.
7. Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ кодекси". -Т.:Ўзбекистон, 1997.
8. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил учун ижтимоий - иқтисодий кўрсаткичлари. Статистик туплам. -Т., 2000.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодийислохотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т. 6. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
12. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т. 5. -Т.:Ўзбекистон, 1997.
13. Брызгалин, А. В. Налоговые споры. 1997-1998 г.г.
14. Бухгалтерский учет и налогообложение: основы оргаизации бухгалтерского учета. Бухгалтерский учет производственной деятельности. Налоги и их учет. Отчетность, в том числе консолидир. / Н.Л. Вещунова,Л.Ф. Фомина. -М.:Герда, 1999.
15. Гадоев Э.Ф. и др. Налоги в Республике Узбекистан в 1997 г.: Методическое пособие.2-е изд., доп. И переаб. -Т.: Мир экономики и права, 1997.
16. Гадоев Э.Ф. Югай И.В. Методическое пособие Налоги в Республике Узбекистан" в 1999-2000гг.
17. Сегиневич А.В., Бухвальд Е.М., Еасова О.М., Ивановский С.И. Налоги в механизме хозяйствования :М.:НАУКА, 1991.
18. Толстопятенко Г.Н., Федотова И.Г. Налоговое права США. Терминология. Чебное пособие. -М. "АНКИЛ", 1996.
19. Черник Д.Г., Починок А.П., Морозов В.П. Основы налоговой системы: Учебное пособие для вузов. / Под.ред. Черника Д.Г. - М.:Финансы,ЮНИТИ, 1998.
20. Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик, -Т.: 2000.

## Қўшимча адабиётлар


1. Налоги и налоговое планирование в мировой экономике: Учеб.пособие / Сутырин С.Ф., Погорлецкий А.И.; С.-Петерб. Гос. Ун-т. Каф. Мировой экономики.-СПб.: Изд-во Михайлова В.А.:Полиус, 1998.
2. Налоговый кодекс Кыргызской Республики, -Бишкек: 1999.
3. Налоговый кодекс Российской Федерации: (С ввод. Коммент. А.В. Брызгалина). - Екатеринбург: Центр "Налоги и фин. Право"; -М.: Аналитика-Пресс, 1999.
4. Брызгалина А.В. Налоги и налоговое право. - М.: Аналитика - Пресс, 1999.
5. Ваша декларация о доходах - (Серия Рекомендации налогоплательщику) / Сокол М.П., Емельянов С.В. - М.: ФБК-ПРЕСС, 1998.
6. Гатаулин Ш. К. Налоги и налогообложение. - Т.: 1996.
7. Дейкин А.И. Механизм федерального бюджета США. (Бюджетная политика и 80-е гг). -М: Наука, 1989.
8. Дернберг Р.Л. Международное налогообложение. Краткий курс. Перевод с анг., М.: ЮНИТИ, 1997.
9. Дернберг Р.Л. Международное налогообложение. - М.: ЮНИТИ, Будапешт: COLPI, 1998.
10. Йўлдошев М., Турсунов Й. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Молия, 2000.
11. Козырин А.Н. Правовое регулирование налогообложения в зарубежных странах. - М. Финансы. 1994 № 5.
12. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. - Т.: Академия, 2002.
13. Мещерякова О. Налоговые системы развитых стран мира. Справочник. - М.: Фонд Правовая культура, 1995.
14. Налоговые системы зарубежных стран. - 2-е изд. М.: Закон и право, ЮНИТИ, 1997.
15. Петти В., Смит А., Рикардо Д. Антология экономической классики. - М. Эконом-ключ, 1993.
16. Петти В. Трактат о налогах. - М.: Эконом-ключ. 1995.
17. Пушкарева В.М. История финансовой мысли политики налогов. - М.: Инфра-М, 1996.
18. Сутырин С.Ф., Погорлекций А.И. Налоги и налоговое планирование в мировой экономике. /Под ред. Сутырин С.Ф./ - СПб.: Полиус, 1998.
19. Тимофеева О.Ф. Налоговая система России: настоящее и будущее. - М.: 1996.
20. Финансовый рынок России: проблемы формирования и функционирования. Сборник научных трудов. под редакцией д-ра экон. наук. проф. В.И. Колесникова. - Санк-Петербург.: 2000.
21. Черник Д.Г. Налоги в рыночной экономике. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 1997.
22. Шамсутдинов Ф.Ш., Рихсиева М.Х., Кудратов Г.Х. Налоговая система США. - Т.: 1998.
23. Шаулов Д.И., Кан. У.Т. Солиқ қонунчилиги асослари. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси 2000.
24. Л.Б. Хван. Солиқ ҳуқуқи. - Т.: Консаудитинформ, 2000.
25. В.С. Беганов, М.Я. Қуролов, Д.И. Шаулов, У.Т. Кан, Финансова политика, налоги и налогообложение. - Т.: Мир экономики и права 1998.
26. Колчин С.П. Налоги и налогообложение. Практикум. Учебное пособие -М.: Финстатинформ, 2000.
27. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қонунчилиги асослари норматив актлар тўплами. 1-2 кисм. Тошкент 2002 й.
28. 2002 йил солиқлари ва мажбурий тўловлар бўйича маълумотнома. Тошкент - 2002.

29. Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молияаий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом. Тошкент - 1999, 05.02.1999.
30. Смит А. Исследование о природе и причинах бога народов". М. Эконом", - Ключ 1998.
31. Эриашвили Н.Д. Налоговые системы зарубежных стран. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Г. Князева, проф. Д.Г. Черника. 2-е изд., перераб. и доп. / - М.: Закон и право, ЮНИТИ, 1997.
32. Яҳёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси. Т., Ғ.Ғулом, 2000.
33. Яҳёев Қ.А. Ўзбекистонда солиқ тизими. - Т.: Меҳнат, 1998.
34. Ўлмасов А. Иқтисод асослари. - Т.: 1997.
35. Ахмедов Р.Н. Все доходы - в строку декларации. Налоговые и таможенные вести, 1996, № 3.
36. Жами йиллик умумий даромад ҳақида декларация (баённома) тўлдириш бўйича услубий қўлланма. / Солиқ тўловчининг журнали, 2000 йил 2-сон.
37. Собиров Х. Бухоро амирлигида солиқлар. /Солиқ тўловчининг журнали, 1997 йил 8-сон.
38. Сабурова С. Хива хонлигида солиқ (қўнғиротлар даври). /Солиқ тўловчининг журнали, 2001 йил 12-сон.
39. Упрощена система налогообложения. /Экономическое обозрение/ 2002 йил № 1-2 (29-30).
40. Юлдашев И. Умумдекларациялаш тизими. /Солиқ тўловчининг журнали, 2002 йил 2-сон.
41. Government Finance Statistics Yearbook 2000. Pg-5.
42. Government Finance Statistics Yearbook 1993, 1999 y.
43. J.S. Mon Nobes. The Economics of Taxation. Third Edition. - Oxford ect.1993. p 247.
44. The property tax and its administration. Edited by Arthur P.LynnJr. London, Madison, Milwaukee.